




Ойбек номидagi Ўзбекистон халқлари тарихи музейи бундан бир аср муқаддам ташкил этилган. Улуғ Октябрь революциясидан кейин бу музей ҳақиқий илмий ва маданий муассаса бўлиб қолди. Бу ерда 40 мингдан ортиқ археологик экспонат, 44 минг қадимги танга пул, 10 мингдан ортиқ этнографик буюм, 2 мингдан зиёд ноёб ёдгорлик намуналари бор. Музей фондида Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонга тааллуқли маълумотлар ҳам йўқ.



Тошкентдаги 241-мактабда чет элларга дўстлик клуби ташкил этилган. Шу мактабнинг 5-10-синф ўқувчилари клуб аъзолари. Улар Германия Демократик Республикаси Болгария ва Иттифоқдор республикаларнинг ўқувчилари орқали дўстона алоқа боғлашган. Клуб аъзолари ўз альбомлари ва деворий газеталарига эгадирлар. Бу тадбирларнинг барчаси ўқувчиларнинг чет тили фанини ўзлаштиришларига кулайлик яратмоқда.

Хаво йўли кўпаяди

Шу кунларда Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасида самолётлар ҳаракатининг янги жадалли ишлаб чиқишмоқда. У оқатда-дакда ўтган йилги жадалга айрим ўзгаришлар киритилди. Биз бошқарманинг реклама ва ахборот бўлими ва айтиш инспектори С. И. Пугановдан аэрофлотдаги янгиликларни тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик:

— Янги Тошкент—Хабаровск рейсини ўзбек авиаторларининг фахри дейиш мумкин, — дейди Софья Ивановна. Бу трасса бизнинг бошқармаси учун энг оқиб хаво йўлидир. Унинг узунлиги қарийб 6 минг километрга боради. Яқин вақтларга ана шу маршрутда ТУ-104 ва ИЛ-18 самолётлари парвоз қилади. Бир неча бекатдаги тўхташлари ҳисобга олганда хавода учиб 11 соатдан ошар эди. Утган йилнинг эида Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг экилази бошқаргани ИЛ-62 хаво кўши биринчи марта республикамиз пойтахтидан Хабаровск шаҳрига фақатгина бир марта Новосибирск шаҳрида тўхтаб тўри ва тез етиб боради. Яқиндан бошлаб эса, ана шу самолёт бу маршрут бўйлаб бекатда тўхтамасдан етиб борапти. Лайнер ўз бортига 200 гача йўловчини олмақда. Парвоз етти соат давом этапти.

Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармаси мақсада мувофиқ келадиган янги хаво йўллари очиб мақсадаги пассажирлар оқимини доимо ўрганишмоқда. Мақсад — пассажирларга қўлайлик яратишдир.

Бу йилдан бошлаб Тошкент — Жезқазғон — Павлодар янги рейси жорий этилди. Бу трассада ЯК-40 самолётлари қатнайди. Янги рейс бўйлаб ҳафтанинг чоршанба, жума ва якшанба кунлари парвоз қилинади.

Аэрофлотда ана бир янгилик. Кўпгина тошкентликлар пойтахтнинг янги аэровокзали қиёфасини томоша қилдилар. Бизнинг аэровокзал ўзининг ҳажми ва жиҳозланиши билан Пулково ва Домодедово аэропортлари билан бир қаторда туради. У соатига 2 минг йўловчи хизмат кўрсатади. Шу йилнинг эида бу ерда 3 миллион кишига хизмат кўрсатилиши лозим.

Улуғ композитор номи билан

Ленинграддаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли давлат филармонияси бундан буён Дмитрий Дмитриевич Шостакович номи билан аталадиган бўлди. Унинг музикачилари ўз буюк ҳамшарқларининг кўпчилиги асарларини биринчи бўлиб ижро этганлар.

Бундан ярим аср муқаддам филармониянинг катта залига Ленинград консерваториясининг эидагина битириб чиққан 19 ёшар Шостаковичнинг биринчи симфониясининг илк бор ижро этилган эди. Кейинчалик композитор шу филармония оркестри билан иккидў хамкорлик унинг учун «жуда катта мактаб» бўлганлигини таъкидлаганди. Бешинчи симфония композиторнинг шу коллектив раҳбари дирижер Евгений Мравинский билан дўстлашиб қолишига сабаб бўлди. 1937 йилдан бошлаб Мравинский Шостаковичнинг деярли ҳамма симфоник асарларини ижро этувари асосий санъаткор бўлиб қолди.

Уруш йилларида композитор фашистлар қамалининг ҳамма машаққатларини жонанон шайхон билан бирга бошидан кечирди. Уша пайтда унинг иккита жанговар постти бўлиб, биринчиси — консерватория томи ва иккинчиси — нин розьля ўрнатилган нин қоронғи хона эди. Еттинчи, Ленинград симфонияси шу хонада ижро этилди.

Ҳозирги мавсумда катта зал симфонияларнинг улуғ ижодкори хотирасига бағишланган концертлар учун бериб қўйилди. Республикада хизмат кўрсатган коллектив — филармониянинг академик симфоник оркестри Евгений Мравинский раҳбарлигида композиторнинг энг машҳур асарларини ижро этади.

ТАСС.

Телефон узарлар

Хамшарқлари мизда учун пошта-телеграф кўпайиб қўлайликлар яратилмоқда. Чунки, аҳоли эиқ жойларда деворлари ойнаванди будналарга ўрнатилган телефон автоматлари ана шулардан бири. Хўш, улардан қандай фойдаланилади? Бирор жойга қўнгироқ қилиш мақсадида телефон автоматлар бинга бора-сангиз, уларнинг кўпчилигининг трубкасини йўқ, проволдалари узун, металл нуруслари бузуқ ҳолда ақаилигини кўриб афсусданасиз. Шунда: бундай абақликни ким нима мақсада қилган? деб ўйласиз. Бундай алоқа воситаларини ишдан чиқараётганлар давлат мулкунини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, бу ярамас иши билан тошкентликларни юз берган кўнгилсизликлар ҳақида миллицияга, тез ерданга, ёнгина қарши кураш идорасига хабар берини, уларга зарур кўмак кўрсатишдан мақсуд қилганлигини ўйлариники?

Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармасидан маълум қилишларича, бу ноёни иш билан асосан назоратсиз қилган радиохаваскор ўсимлар шуғулланишар экан. Ҳар йили миллиция ходимлари томонидан турли кўринишдаги тартибни бузган шахсларга маъмурий жаза чоралари кўрилади.

Мана, бир неча мисол. Яқинда Кўйишев кўчасидаги телефон автоматини ишдан чиқариб турганда 83-ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси А. Глазков, «Усельхозтехника»га қарашли ремонт-механика заводи слесари Н. Кабановлар жиноят устида қўлга олинди.

«Ташкенткабель» заводи халқ кўнгилли дўржмачилари участка инспектори, милиция лейтенанти В. Литвинченко билан биргаликда политика ва физкультура институтлари студентлари А. Науин ва А. Воробьев, 57-ҳунар-техника билим юрти талабаси В. Исмоиловларнинг телефон автоматларига зийн келтирилганларида ушлаб олинди. Бу ноқўй ишлари учун уларнинг ҳар бири 20 сўмдан жарима тўлашди.

Баъзи ҳолларда бошқа кўринишлардаги жиноятлар содир бўлиб турибди. Масалан, Стаханов ва Островский кўчалари бурчигада қўлга олинган Ю. Матвеев текшириб қўрилганда, ундан ўгирланган телефон кабеллари топилди. Бу ярамас иши учун у жиноий жавобгарликка тортилди.

Л. Харитонов ва А. Величколар эса телефон автомат таксофонига ташланган чақа ташгаларни ўмараётганда ушланди. Тингиб қўрилганда уларда 18 сўм икки тийинлик тангалар борлиги маълум бўлди.

Собир Раҳимов район милиция болалар хонаси инспектори Б. Имомназаров яқинда «Қорақамишда» Н. Оксанов, С. Илмин, В. Раузаларини таксофонлардаги чақа пуллари ўгирлаётганларида қўлга олди.

Тўғри, тартибузарликнинг бу кўриниши олдини олиш, унга тамоман барҳам бериш учун милиция ходимлари бутун чораларни ишга соялти. Агар бутун кенг жамоатчилик ана шу кўнгилсиз ишнинг бўлмаслиги учун қатъий курашга бел боғласа, халқ мулкига зийн етказувчиларга бериладиган зарба янада кучлироқ буларди.

(ЎзТАГ).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ЮЛЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ 140-ШАҲАР-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1976—77 ҲУҚУВ ИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ: кенг профилдаги ёғочоз-станокчи, дурадгор, фанерчи, пардозловчи, ёғочозлик усуналарини соловчи, прессчи, бадний ва моделли мебеллар дурадгорларини тайёрлайди.

ЎЎИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА — 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЭШДАГИ ИНГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар кўнига 3 маҳал бепул оқаёт, кийим-бош ва ишлаб чиқариш пратикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АТЛО БАҲОЛАР БИДАН БИТИРГАНЛАР ОЛИН ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ-ЮРТЛАРИГА ИМТИЭЗИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қўйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: тарихиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисида, гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги хужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина спратзаси.

МАШҲУЛОТЛАР — 1 МАРТДАН ВА 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ. ҲУЖЖАТЛАР — эрталаб соат 9 дан 17.00 гача ҳамда билим юртининг Тошкент Мебель комбинати қошидаги филиалда (88, 78-автотўрларнинг «Мебель» қўбинати) бекати) қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чоштепа кўчаси, 318-уй (18, 122, 131-автотўрларнинг «Кирпичная кўчаси» ёки «Комсомольская» бекати).

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати контораси

БУГУН

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

«ДЕРСУ УЗАЛА»

НОМЛИ ЯНГИ,РАНГЛИ КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

ФИЛЬМ В. К. АРСЕНЬЕВ АСАРИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН. Сценарий муаллифлари — АКИРА КУРСОВА, ЮРИЙ НАГИБИН. Постановкачи режиссёр — АКИРА КУРСОВА.

БОШ РОЛЛАРНИ Ю. СОЛОМИН ВА МАКСИМ МУНЗУК ИЖРО ЭТАДИЛАР.

ФИЛЬМ БИР-БИРИГА УХШАМАЙДИГАН ИККИ КИШИНING МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

Уларнинг миллати, тарихиман ҳоли, тарбияси, маълумоти, моддий маъқеи ва психологияси бутунлай бошқача бўлишига қарай, улар табиат шайбодаридир.

МОСКВА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН IX ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА «ДЕРСУ УЗАЛА» ФИЛЬМИГА ОЛТИН МУКОФОТ БЕРИЛГАН. ШУНИНГДЕК, БУ ФИЛЬМ «ФИПРЕССИ» МУКОФОТИГА ҲАМ САЗОВОР БЎЛГАН.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАХСУЛОТИ («Атёлье-41» Япония иштирокида).